

**УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИНИНГ ЎҚУВЧИЛАРИДА
МИЛЛИЙ-МАДАНИЙ МЕРОСНИ ЎРГАТИШДА МАҚОМ
САНЪАТИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ**

Тошпулатова Саида Қўзибоевна

Фарғона давлат университети

Вокал ва чолғу ижрочилиги кафедраси ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6540253>

***Аннотация.** Мақолада умумий ўрта таълим мактабларининг мусиқа дарсларида анъанавий хонандалик — мақом ҳақида тушунчаларни шакллантиришининг долзарб масалалари қамраб олинган. Шунингдек, муаллиф дарсликларда мумтоз ашулани ўрганиш бўйича юзага келаятган муаммолар, мусиқа ўқитувчиларининг касбий тайёргарлигидаги камчиликлар, мақомларни куйлаш малакасининг талаб даражасида эмаслиги ва буларни бартараф қилишининг йўл-йўриқлари ҳақида фикр юритган.*

***Калит сўзлар:** мумтоз, анъанавий хонандалик, қўшиқчилик, мақом, мерос, диопазон, чормақом, кичик октава, импровизацион ижрочилик.*

**РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ МАКОМСКОГО ИСКУССТВА В
ПРЕПОДАВАНИИ НАЦИОНАЛЬНО-КУЛЬТУРНОМУ НАСЛЕДИИ
ШКОЛЬНИКОВ СРЕДНИХ ШКОЛЬНИКОВ**

***Аннотация.** В статье освещены актуальные вопросы формирования понятия традиционного пения – макома на уроках музыки в общеобразовательных школах. Также автором рассматриваются проблемы, возникающие при изучении классического пения в учебниках, недостатки профессиональной подготовки учителей музыки, отсутствие необходимых навыков пения макомов и рекомендации по их преодолению.*

***Ключевые слова:** классическое, народное пение, пение, маком, наследие, диопазон, хормаком, малая октава, импровизационное исполнение.*

THE ROLE AND IMPORTANCE OF MAKOM ART IN TEACHING NATIONAL AND CULTURAL HERITAGE IN STUDENTS OF SECONDARY SCHOOLS

Abstract. *The article covers topical issues of forming the concept of traditional singing - status in music lessons in general secondary schools. The author also discusses the problems encountered in the study of classical singing in textbooks, shortcomings in the professional training of music teachers, the lack of required skills in singing maqoms, and guidelines for overcoming them.*

Keywords: *classical, traditional singing, singing, maqom, heritage, diopazon, chormaom, small octave, improvisational performance.*

Кириш. Халқимиз маданий меросининг ажралмас қисми бўлган миллий мақом санъати ўзининг қадимий тарихи, теран фалсафий илдизлари, бетакроп бадий услуби ва бой ижодий анъаналари билан маънавий ҳаётимизда алоҳида муҳим ўрин эгаллайди.

Асрлар давомида улуғ шоир ва олимлар, моҳир бастакорлар, ҳофиз ва созандаларнинг машаққатли меҳнати ва фидойилиги, ижодий тафаккури билан сайқал топиб келаётган ушбу ноёб санъат нафақат юртимиз ва шарқ мамлакатларида, балки дунё миқёсида катта шухрат ва эътибор қозонган. Мақом санъатининг гултожи бўлган “Шашмақом” ЮНЕСКО томонидан инсониятнинг номоддий маданий мероси сифатда эътироф этилгани ҳамда унинг Репрезентатив рўйхатига киритилгани бунинг яққол тасдиғидир.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда мақом санъатини ўрганиш ва ривожлантириш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Айниқса, ўзбек “Шашмақоми” нота матнларининг нашр этилиши ва уларга мувофиқ равишда мақом куй-қўшиқларининг магнит ленталарга ёзиб олиниши улкан илмий-маданий аҳамиятга эга воқеа бўлди.

Ҳозирги кунда юртимизда Юнус Ражабий номидаги Мақом ансамбли, худудларда мақом жамоалари, Ўзбекистон давлат консерваториясида шу йўналишда махсус кафедра фаолият кўрсатаётгани, соҳага оид илмий изланишлар олиб борилаётганини қайд этиш лозим.

Айни вақтда миллий ўзлигимизни англаш, маданиятимизни ҳар томонлама ривожлантириш, халқимиз, аввало, ёш авлодимизни юксак инсоний туйғулар руҳида тарбиялаш, унинг эстетик диди ва тафаккурини шакллантиришда мақом санъатининг кенг имкониятларидан етарлича фойдаланилмаяпти.

Мазкур йўналишда чуқур илмий-назарий тадқиқотлар, ўқув-услубий адабиётлар яратиш, мақом санъатини радио-телевидение, оммавий ахборот воситалари, интернет тармоғи орқали мамлакатимизда ва чет елларда тарғиб этиш, мақом устозлари, соҳа олимлари ва мутахассисларининг, иқтидорли ва истиқболли ёш ижрочилар фаолиятини моддий ва маънавий жиҳатдан кўллаб-қувватлаш ишлари эътибордан четда қолиб келмоқда.

Ўзбек халқининг маданий меросининг ажралмас қисми бўлган миллий мақом санъати ўзининг қадимийлиги, такрорланмас бадиий услуби ҳамда бой ижодий анъаналари билан маънавий ҳаётимизда ўз ўрнига эгаллиги билан қадрланади.

Тадқиқот методологияси. Ҳозирги даврга келиб юртимизда мақом санъатини кенг оммага ёйиш ва тарғиб этиш борасида кўплаб илмий ва амалий ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса ёш авлод қалбида миллий мумтоз санъатимизга бўлган қизиқишни, эътиборни уйғотиш асосий мақсадларимиздан бири десак муболаға бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги “Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3391-сонли қарорида “Ўзбекистонда мақом санъатини янада ривожлантириш, бу борада шаклланган ижро ва ижодий мактаблари ва

анъаналарни, буюк бастакорлар, ҳофиз ва созандалар меросини чуқур илмий асосда ўрганиш” каби вазифалар қўйилган [1].

Мақомларга хос хусусият ақлий теранлик, мантиқий фикрлаш асосида маънавий фазилатнинг барча қирраларини онгли равишда ўзлаштириш орқали ақлий баркамолликка эришишни таъминлашдан иборат. Халқ қўшиқлари, мақомларнинг қамров доираси чегараланмаган. Мазкур ижро намуналарини ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари, дунёқараши, ахлоқий-эстетик тараққиёт даражасига кўра дарсликларга киритиш таълим жараёнида ўқувчиларнинг маънавиятини юксалтиради. Ҳозирда таълим муассасаларида муסיқий таълим-тарбия беришдан асосий мақсад ёш авлодни миллий муסיқий меросимизга ҳурмат руҳида вояга етишини таъминлашдан иборатдир. Мутахассисларнинг таъкидлашича, мумтоз мақом йўлларининг нафис ва дилкаш, чуқур фалсафий маънога эга таъсирчан чолғу ила айтим наволари халқимизни қадимдан баҳраманд этиб келмоқда. Мақомларнинг асрлар оша яшаб келаётгани бир қатор омиллар, хусусан, устоз ҳофизи созандаларнинг юксак ижрочилик маҳорати билан чамбарчас боғлиқ.

“Мақом” сўзи арабча макон сўздан олинган бўлиб, “ўрин”, “жой”, “босқич”, “даража” каби маъноларни англатади. Бу ислом, адабиёт, тасаввуф илмий-амалий йўналишда ва бошқа соҳаларда ҳам кенг истеъмол этилган бўлиб, махсус ибора сифатида айнан муסיқа санъатида энг кўп ва хилма-хил маъноларда ишлатилади [2].

Муסיқада “мақом” дэганди куй товуш қаторларининг алоҳида муסיқа асари бочқичлари – парда тизимлари (лад бирликлари) лад тизимлари, алоҳида муסיқа асари (чолғу ёки ашула); муסיқа тури (жанри) – чолғу ва ашула асарларини бирлаштирувчи катта-кичик туркумли жанрни тушуниш керак. Турли халқлар маданиятида “мақом” иборали асар ва туркумлар мавжуд: мақом (ўзбек ва тожикларда), муғом (озарбайжон), муқом (уйғурлар), дастгоҳ (эрон) нўба (мағриб) каби ибораларнинг вариантлари кенг тарқалган.

Мақом йирик туркум ва асар жанри сифатида мумтоз муסיқа тоифасига киради. Муסיқа ижодиётининг бошқа турларидан у ўзининг бадий мукамаллиги, куй ва шакл тузилишлари, лад ва усул тизимлари ҳамда илмий ва амалий асосларининг пухта ишланганлиги билан фарқ қилади.

Мақом муסיқа, шеърият ва рақс санъатларини мужассамлаштирувчи муштарак бадий жараёндир.

Халқ муסיқа санъатининг жонли жараёнини акс эттирувчи мезон бу - ижрочилик амалиётидир. Ижрочилик амалиёти қанчалар илғор ва салоҳиятли бўлса, унинг ижодиётга таъсири ҳам улкан бўлади. Умумий ўрта таълим мактабларининг VII синфлари учун С.Бегматов, Д.Каримова, Қ.Мамировларнинг “Муסיқа” дарслиги, О.Иброҳимов, Ж.Садиров томонидан яратилган VIII синф учун “Муסיқа” дарсликларида мумтоз муסיқа ҳақида тушунча, куйлар, ашулалар, Шашмақом, мақом турлари ҳақида баён этилган. ҳар бир мавзу болаларнинг ёш хусусиятларидан келиб чиқиб тинглаш ва куйлаш учун ижро намуналари келтирилган [3]. Дарслик мавзуларини ўрганиш жараёнида куйлаш амалиёти бўйича кўпгина мулоҳазалар юзага келди, муаммолар аниқланди. VII синф муסיқа дарслигида ҳар бир чоракда муайян мавзунини ёритишга қаратилган. Ўқувчилар чораклар давомида Шашмақом, Чормақом, Хоразм мақомлари ижрочилик мактаблари ҳақида назарий маълумотларга эга бўладилар. Бироқ, мақом ашулаларини куйлаш бўйича кўникма ва малакаларни эгаллаш учун ижро намуналари тақдим этилмаган. Бунинг асосий сабаби, мазкур мақом ижрочилиги мактабларида ашула намуналари катта диопозонли, юксак ижрочилик маҳоратини талаб қиладиган асарлардан иборат. Шунинг учун муаллифлар асарларни беришдан мулоҳазага борганлар. Ашулаларни ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари, дунёқараши, ахлоқий-эстетик тараққиёт даражасига кўра танлашда воҳа ашулачилик ижро намуналари - мумтоз ашула даражасидаги асарлари кўплаб учрайди. Масалан, халқ кўшиқлари “Шароб”, “Тановар”, “Мискинлар”, “Фарғонача”, ўтмиш бастакорлар ижоди “Сўлим”,

“Дилхирож”, “Салламно” каби ўнлаб ашулалар, мумтоз ашулалардан “Чоргоҳ 4”, “Қашқарча”, “Рок”, “Сароҳбори”, “Дугоҳ 2–3” тароналари шулар жумласидан.

Ёш авлодни миллий муסיқий меросимизни идрок эта оладиган баркамол шахс қилиб вояга етказишда мазкур ашулаларнинг тўлиқ вариантини дарсликларга киритиш лозим. Мавзу бўйича назарий билимлардан сўнг муסיқа саводи ва ижро асарлари мантиқан мавзуга мос бўлиши лозим. Масалан, дарсликда мумтоз муסיқа ҳақида тушунча берилиб, муסיқа саводи қисмида мавзуга мос бўлмаган машқларга дирижорлик қилиш жараёнига ўтилган.

Таҳлил ва натижалар. Болаларнинг психо-физиологик ҳолатларидан келиб чиқиб бир соатлик дарс жараёнида боланинг хотирасини уч хил фаолиятга чалғитмай, муסיқа саводини ҳам, ашулани ҳам мавзуга мос равишда танлаш керак. Муסיқа саводи қисмида мумтоз муסיқага оид калит сўзлар ёки атамалар мақом, бозғўй, мақом номлари ва бошқалар берилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Ашула қисмида мумтоз куйлар “Фарғонача жанон” “Эй сарвиравон”, “Сароҳбори дугоҳ тароналари”, “Қаландар”, “Соқийнома” ва “Уфорлар” тараннумини киритиш дарс самарадорлигини оширади.

Муסיқа фани ўқитувчиларининг барчасини ижрочилик маҳоратини юксак, дея олмаймиз. ҳамма ўқитувчи ҳам иқтидорли хонанда эмас, ёки аксинча созанда эмас. Шундай экан, муסיқа ўқитувчиси ўз имкон даражасида фаолият кўрсатади. Мутахассисларнинг фикрича, мақом ижрочилигида неча-неча авлодларга мансуб машҳур хонанда-ю созандаларнинг ижровий моҳирлиги ва тажрибалари бу соҳани юксалишига олиб келган. Бунда устоз даражасига етган бастакор ва ижрочи ўзининг ижодий бисотидан шогирдларига “юқтириш” билан мумтоз муסיқа намуналарини абадийлаштиришга ўз ҳиссасини қўшишга интилади. Шогирдлар ҳам ушбу қоидага амал қилган ҳолда устозлардан олган илмий-ижодий малакаларини

янада сайқаллаштириб, ўз навбатида келгуси авлод вакилларига етказишга ҳаракат қилиш лозим Кайковуснинг “Қобуснома” асарининг “Ҳофиз ва созандалик зикрида” номли бобида баён етилишича, мусиқа илмининг устозлари ушбу муаллиф яшаган даврда халқнинг ҳар бир табақаси табиатига мос равишда куйлар тузишган. Бундай табақалардан бири эса ёш болалар ва нозиктаб кишилар, яъни аёллар бўлишган. Бу қавм учун, - дейилади асарда - таронани ишлаб чиқдилар, токи бу қавм ҳам баҳра олсинлар, роҳат қилсинлар. Чунки ҳамма вазнларнинг орасида таронадин ёқимли вазн йўқдур”. XIX асрнинг охири XX асрнинг биринчи ярмида мақом ижро анъаналарининг буюк давомчиларидан бири, беназир ҳофиз ва созанда Абдулазиз Расулов шогирдларининг ижодий маҳоратини ошириш мақсадида мақомларни билиб олган ёш ашулачиларга битта ашулани турли вариантларда кўрсатиб, уларни мустақил импровизация қилишга ўргатар эди. Устоз шогирдларидан шу тариқа ижро ҳам ижодий баркамолликка эришишни талаб қилар эди. “Устоз-шогирд” мактаби асосида мақомларни ўрганиш узок ўтмишда шаклланган ва ҳозиргача давом эттирилмоқда.

Ижрочилик сабоғи азал-азалдан анъанага кўра устоз-шогирд кўринишида амалга оширилган. ҳар бир шогирд ўз устози назоратида ва тарбиясида бўлган. Мусиқа санъати ва бадий адабиётга хос бўлган соз чертиш, ашула айтиш, сўзни тўғри талаффуз қилиш, шеър ва ғазалларнинг маъносини англаш, мусиқий меросни ўрганиш доимо устозларнинг назоратида бўлган. Шогирднинг халқ олдида, мусиқа ихлосмандлари олдидаги мустақил хониш қилиши устознинг бевосита ижозати билан амалга оширилган.

Хонандалик ижро амалиётига эга бўлмаган мусиқа ўқитувчиларини махсус курсларда қайта тайёрлаш, уларнинг маҳоратини шакллантириш керак. Акс ҳолда кўзланган натижага эришиш мушкул. Умумий ўрта таълим мактабларининг 6-7-синф дарсликларидаги мавжуд камчиликни тўлдириш учун 250 дан ортиқ “Шашмақом” ва 50 дан ортиқ “Чормақом” ашулалари

тингланиб, ўқувчилар куйлай оладиган тароналар танлаб олиниб, янги “Мумтоз ашула” номли мусиқий тўплам яратишга киришилди. Бу тўпланда ҳар бир ижро намунаси тўлиқ ҳолда берилиб, куйлаш тартиб ва қоидалари кўрсатиб ўтилди [4].

Мусиқа фанидан ўқувчиларда мақом ҳақидаги тушунчаларни шакллантириш бўйича амалга ошираётган ишлар ва аниқланган муаммоларни бартараф этиш борасида кенг кўламли изланишлар олиб боришни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Ўқитувчиларни қайта тайёрлаш институти ва Республика таълим маркази билан ҳамкорликда “Маҳорат мактаби” семинарлари мунтазам ўтказиб, унда мактаб дарсликларида учраётган айрим масалалар қайта кўриб чиқилмоқда.

Хулоса ва таклифлар Хулоса қилиб айтганда, ижтимоий ҳаётида мавжуд барча соҳалар қатори мусиқа санъати ҳам аجدодларнинг бебаҳо меросидан баҳраманд бўлмай туриб тараққиётга эришиши мумкин эмас. Шу боис, анъаналарга содиқ қолиш ва уларга ҳар лаҳзада таяниш келажак самараси, фарзандлар истиқболи ва баркамол авлод тарбияси гаровидир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги “Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3391-сонли қарори.
2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. Бешинчи жилд. Шукрона Х- - Т: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008.- 592 б.
3. Ражабов И. Мақомлар. Тошкент 2006 й.
4. Бегматов.С., Каримова.Д, Мамиров.Қ. Мусиқа. 6-синф учун дарслик. Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. — Т.: 2008-йил.